

ГАЗЕТА: МАСЪУЛИЯТ ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ
ЁКИ ТАФАККУРНИ ТАРҒИБ ЭТУВЧИ КУЧ!



ЖАҲОННАМИЯТ

№ 20 (990)
2026 йил
18 июнь,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

РАҚАМЛИ ҚАРАМЛИК ГИРДОБИДАГИ БАШШАР



**БЎРИЖАРЛИК
«РОБИНЗОН»ЛАР**





**Клод ГАСКОН,
GEF бош директори ва
стратегия ҳамда операциялар
бўйича директори:**

– Ўзбекистон атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасида минтакавий ва глобал миқёсда тобора муҳим етакчига айланиб бормоқда. Бу ҳолат жорий ҳафта давомида мамлакатнинг GEF-9 молиявий пакетида қўшган ҳиссаси орқали яна бир бор намоён бўлди. Ўзбекистоннинг илк бор донор мамлакат сифатида иштирок этаётганини кўриб, бундан жуда мамнун бўлдик. Бу халқаро ҳамжамиятга жуда кучли сигнал юборади ва, менинг фикримча, Ўзбекистонни минтақада, қўшни давлатлар орасида ҳақиқий етакчи сифатида намоён этади.

Мамлакатнинг экологик бошқарув ва табиатни асраш борасида амалга оширган ишлари бошқа давлатлар учун ҳам намуна бўла олишини кўрсатмоқда. Ассамблея ва уни Ўзбекистонда ўтказиш ташаббусидан ҳам ниҳоятда мамнунмиз. Менимча, бу GEF тарихидаги энг муваффақиятли ассамблеялардан бири бўлади.

Асосий янгилик шундаки, биз глобал



миқёсда кўп томонлама инвестицияларни қўллаб-қувватлаш бўйича фаолиятимизни давом эттирмоқдамиз. Донорлар ва маблағ олувчи мамлакатлар 2030-йилгача бўлган давр учун улкан ва шу билан бирга аниқ мақсадлар юзасидан келишиб олдилар. Ўзбекистон ва бошқа давлатлар томонидан билдирилган молиявий мажбуриятлар эвазига биз атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш йўлида сезиларли натижаларга эришамиз, деган умиддамиз.

**Ингер АНДЕРСОН,
БМТ Бош котиби ўринбосари,
БМТнинг Атроф-мухит дастури
бўйича ижрочи директори:**

– Мен икки йил аввал ҳам бу ерда бўлган эдим. Ўшанда вазир билан суҳбатда у ўз режалари ҳақида сўзлаб берганди. Бугун эса ўша режаларнинг амалда рўёбга чиқаётганини кўриб турибман.

Шу боис Президентнинг кучли етакчилиги ва аниқ стратегик қараши, халқнинг қатъий қўллаб-қувватлаши ҳамда sanoat соҳасининг фаол иштироки натижасида мамлакатда муҳим ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш, тоза ҳаво таъминоти, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, айланма иқтисодиёт ва қайта ишлаш соҳаларига йўналтирилаётган инвестициялар изчил кенгайиб бормоқда.

Албатта, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳали кўп. Бироқ энг муҳими – мамлакатнинг “биз бу йўлга қатъий қирамиз, ички ресурсларимизни сафарбар қиламиз ва соғлом, тоза ҳамда яшил кела-

жакни барпо этамиз” деган аниқ ва қатъий позициясидир. Бу эса катта ишонч ва умид уйғотади.

Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё давлатлари учун асосий устувор йўналишлардан бири кум ва чанг бўронларига қарши курашиш ҳамда ҳаво сифатини яхшилашдир. Бу йўналиш, эҳтимол, ҳамкорликда биринчи навбатда эътибор қаратиладиган соҳалардан бири бўлади. Шу билан бирга, Ўзбекистон кўплаб муҳим йўналишларда етакчилик намуналарини намоён этиб келмоқда ва биз аллақачон бир қатор соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

Яқинда мен «Есо Ехро»да ҳам иштирок этдим. У ерда олиб борилаётган илмий излашлар, шунингдек, шўрланган ва қургўкчил ҳудудларда ҳам ўсишга қодир бўлган чидамли дарахт ва бута турларини экиш бўйича амалга оширилаётган ишлар мени жуда қувонтирди. Бу ўсимликлар тупроқни мустаҳкамлаш, шамол ва кум ҳаракатини камайтиришга хизмат қилади.

Бундай ташаббусларни янада кенгайтириш эса ниҳоятда муҳимдир.





Ролф ПАЙЕТ,

БМТнинг Базел, Роттердам, Стокгольм конвенциялари ижрочи котиби:

– Ўзбекистон Президенти нутқида жуда аниқ масалалар илгари сурилди. Мамлакатнинг “яшил” ўтиш жараёнига содиқ эканлиги ва барқарор атроф-муҳитга инвестиция киритаётгани таъкидланди.

Менга энг қўп таъсир қилгани – таълим масаласи. Чунки ёш авлодга инвестиция киритилганда, бугун қилинаётган ишлар узок муддат давом этишига амин бўласиз. Ёшлар эртага вояга етишади, етарли билим ва тажрибага, ўз қарашларига эга бўлишади ва ўз мамлакатига ғамхўрлик қилиб, уни тиклашга қодир бўлишади.

Самарқандга келганлигим ва бу ерда эшитганларим ҳамда кўрганларим менга катта мотивация беради. Инсонлар муаммоларни ҳал қилишга қатъий бел боғлаганини кўрсангиз, сизда ҳам ижобий энергия пайдо бўлади.

Президент, шунингдек, чиқиндилардан энергия олиш (waste-to-energy) лойиҳаларини ривожлантириш масаласини тилга олди. Чиқиндиларни бошқаришга устуворлик бериш жуда муҳим.

Шу ерда энг катта қутилма – хусусий секторни молиялаштиришга қандай жалб қилишимизни белгилашдир. Хусусий инвестициялардан фойдаланиб, Ўзбекистонни бугунгидан ҳам яхшироқ жойга айлантириш йўлларини топиш муҳим ҳисобланади.



МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Миллатнинг маънавий қиёфаси, унинг маданий салоҳияти ва санъатга бўлган муносабати мамлакат тараққиётининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Чунки маданият ва санъат бор жойда инсон қалби юксалади, миллий қадриятлар мустаҳкамланади, халқнинг келажакка бўлган ишончи ортади. Шу маънода Президентимизнинг мамлакатимиз маданият ва санъат намоёндалари билан бўлиб ўтган учрашуви нафақат соҳа вакиллари, балки бутун халқимиз ҳаётида муҳим воқеа сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди.

Мазкур учрашув давлат ва ижод аҳли ўртасидаги мулоқотнинг яна бир муҳим кўриниши бўлиб, унда миллий маданиятимизнинг бугунги ҳолати, соҳадаги ютуқлар, мавжуд муаммолар ва истиқболдаги вазифалар атрофлича муҳокама қилинди. Энг муҳими, мамлакатимиз раҳбари маданият ва санъатни жамият тараққиётининг ажралмас қисми сифатида баҳолаб, бу соҳада меҳнат қилаётган инсонларнинг фидокорона хизматларини юксак қадрлашини яна бир бор намоён этди.

Президентимиз томонидан миллий маданиятимизни асраб-авайлаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш ва жаҳон майдонида кенг тарғиб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас. Чунки ўз тарихи, маданияти ва маънавий меросини қадрлаган халқгина келажакка ишонч билан қадам ташлай олади. Бугунги глобаллашув жараёнларида миллий ўзликни сақлаб қолиш, ёш авлод қалбига миллий гурур ва ватанпарварлик туйғуларини сингдириш маданият ва санъат ходимлари зиммасидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Айниқса, учрашувда ёш ижод-

корларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш учун янги имкониятлар яратиш ҳақида билдирилган фикрлар катта аҳамият касб этади. Чунки келажакда мамлакатимиз маданияти ва санъатининг тақдири айнан бугун камол топаётган истеъдодли ёшлар қўлида бўлади. Уларнинг билим олиши, ижод қилиши ва ўз қобилиятларини намоён этиши учун яратилётган шароитлар мамлакатнинг эртанги кунига қаратилган муҳим сармоядир.

Маданият ва санъат соҳаси иқтисодий тараққиёт билан ҳам узвий боғлиқ. Туризм ривожини, мамлакат имижининг шаклланиши, халқ дипломатиясининг мустаҳкамланишида ҳам маданиятнинг аҳамияти катта. Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий санъат намуналарини халқаро майдонда кенг тарғиб қилиш, ўзбек маданиятини дунё халқларига танитиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз томонидан театрлар, маданият марказлари, музейлар, кутубхоналар ва ижод

муассасалари фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича билдирилган ташаббуслар соҳа тараққиёти учун янги имкониятлар эшигини очади. Бу эса маданият муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижодкорларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва аҳолига маданий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга хизмат қилади.



куч бўлади, янги руҳ ва янги ишонч бағишлайди. Мамлакатимиз маданияти ва санъати равнақи йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимиз маънавиятини янада юксалтиришга, миллий қадриятларимизни асраб-авайлашга ва Ўзбекистоннинг дунё маданий маконидаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Чунки маданият – миллатнинг қалби, санъат эса унинг руҳидир. Қалби ва руҳи бақувват халқнинг келажакда ҳам, албатта, порлоқ бўлади.

Отабек ЯЗДОНОВ,
Самарқанд шаҳридаги
24-болалар мусиқа ва санъат
мактаби директори.

Энг муҳими, ушбу учрашув мамлакатимизда маданият ва санъатга бўлган юксак эътиборнинг яна бир амалий тасдиғи бўлди. Зеро, халқнинг маънавий юксалиши, миллий ўзлигининг мустаҳкамланиши ва жамият тараққиётида маданият ҳамда санъатнинг ўрни бекиёсдир.

Бу мулоқот ижод аҳлига янги



ГАЗЕТА: МАСЪУЛИЯТ ВА МАҲОРАТ МАКТАБИ

ЁКИ ТАФАККУРНИ ТАРҒИБ ЭТУВЧИ КУЧ!

Бугун ахборот оқими шиддат билан янгилашиб, ҳар бир воқеа бир неча сония ичида миллионлаб одамларга етиб бораётган даврда яшайпмиз. Шундай тезкорлик замонида ҳам босма нашр ўз қадрини йўқотгани йўқ. Чунки газета – шошқалоқликни эмас, аниқликни; тахминни эмас, далилни; юзакиликни эмас, тафаккурни тарғиб этади.

Босма нашрда чоп этиладиган ҳар бир мақола қайта-қайта таҳрир қилинади, ҳар бир рақам ва далил синчиклаб текширилади. Шу боис газета – қиммат маҳсулот. У нафакат ўқувчига ахборот беради, балки уни фикрлашга, мушоҳада қилишга, воқеаларга холис баҳо беришга ундайди. Газетадаги биргина хато минглаб нусхаларда ўқувчилар қўлига етиб боради. Шунинг учун босма нашр саҳифаларига тушаётган ҳар бир сўз, ҳар бир жумлага юзаки қараш мумкин эмас. Бу ерда бош муҳаррирнинг касбий маҳорати, сиёсий дунёқараши, зукколиги, изланувчанлиги ва масъулияти намоён бўлади. Зеро, муҳаррирлик лавозим эмас, балки улкан масъулиятдир. Газета муҳаррирлиги аслида катта амал ҳам эмас. Бу – туну кун янги ғоялар излаш, жамиятни қизиқтирган мавзуларни топиш, келгуси сон мазмуни устида бош қотириш, ижод ва меҳнат билан яшаш демакдир. Газета ортида кўринмас машаққат, изланиш ва фидойилик мужассам.

Босма нашр, хусусан газета кечаги воқеани эртага ёритиши мумкин. Аммо у воқеани ўқувчига шошма-шошарлик билан эмас, таҳлил ва мушоҳада билан тақдим этади. Чунки босма нашр учун биринчи бўлишдан кўра, тўғри бўлиш муҳимроқ. Газета саҳифаларида ҳар бир рақам, ҳар бир далил, ҳар бир иқтибос қайта-қайта текширилади. Ҳар бир мақола таҳрир жараёнидан ўтиб, муаллиф ва муҳаррир масъулиятдан сўнггина ўқувчига тақдим этилади. Журналистикада босма нашр ҳақиқий маҳорат мактаби ҳисобланади. Газета саҳифаларида қалами чархланган журналист кейинчалик телевидениеда ҳам, интернет журналистикасида ҳам муваффақиятли фаолият олиб бора олади. Чунки босма нашр унга сўзнинг қадрини, фикрнинг вазнини, ахборот учун масъулиятни ўргатади. Шу жиҳатдан газета ва журналда ишлаб тажриба орттирган ижодкор бошқа соҳаларда фаолият юритаётган ҳамкасбларидан кескин ажралиб туради.

Дарҳақиқат, ахборот асрида яшайпмиз. Бугун бир хабар дунёнинг бир чеккасидан иккинчи чеккасига сониялар ичида етиб боради. Интернет, ижтимоий тармоқлар ва турли платформалар ахборот тарқатиш тезлигини мислсиз даражага олиб чиқди. Аммо шундай шиддатли замонда ҳам ўз мавқеини сақлаб қолаётган,

ишонч ва масъулият тимсоли бўлган бир майдон – босма матбуот.

Очиғи, газета оддий ахборот ташувчиси




Ҳа, Сиз ҳақсиз! Бугун ахборот замони. Кўлимиздаги телефон орқали дунёнинг исталган нуктасида содир бўлган воқеадан бир неча сония ичида хабар топиш мумкин. Ижтимоий тармоқлар, интернет сайтлари ва турли платформалар ахборот тарқатиш бўйича ўзаро рақобатга киришган. Ким биринчи бўлиб хабар таркатади, ким тезроқ аудитория эътиборини қозонади – асосий мезон шу бўлиб қолмоқда. Бирок ахборот майдонида шундай бир минбар борки, у тезкорлик ортидан қувмайди. Унинг энг катта мақсади – ҳақиқатни топиш, воқеага холис баҳо бериш ва ўқувчига ишончли маълумот етказишдир. Бу – газета. У – тафаккур майдони. Газета ўқувчини шошилиш хулоса чиқаришга эмас, фикрлашга ундайди.

эмас. У тафаккурни шакллантирувчи, жамият фикрини тарбияловчи, воқеликни таҳлил қилувчи муҳим маънавий минбардир. Шунинг учун ҳам босма нашр саҳифаларига чиқадиغان ҳар бир сатр ортида улкан меҳнат, жиддий таҳлил ва юксак масъулият мужассам бўлади.

Бугун матбуот соҳасида меҳнат қилаётган ҳар бир инсон мамлакатимизда очиклик, сўз эркинлиги ва жамоатчилик фикрини шакллантириш йўлида муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар куннинг иссиқ-совуғига қарамай, ҳақиқатни излаб, халқ дарди ва орзусини қалам орқали ифода этиб келмоқда.

Бугунги ахборот оқимида одамлар кўп ҳолларда сарлавҳани ўкибоқ хулоса чиқармоқда. Газета эса воқеанинг сабаби, оқибати ва мазмунини очиб беришга интилади. Шу жиҳати билан у жамиятнинг интеллектуал эҳтиёжини қондирувчи муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Технологиялар қанчалик ривожланмасин, ахборот тарқатиш воситалари қанчалик кўпаймасин, ҳақиқатга бўлган эҳтиёж ҳеч қачон қаймайди. Ана шу ҳақиқатни излаш ва уни халққа етказиш вазифасини адо этаётган босма матбуот ҳамиша ўз қадрини сақлаб қолаверади. Чунки газета – шунчаки ахборот манбаи эмас. Газета-ишонч. Газета – масъулият. Газета – тафаккур демакдир. Энг муҳими, газета – тезкорлик эмас, ҳақиқат майдонидир.

Одилжон ИНОМОВ,
“Наманганская правда” газетаси
бош муҳаррири.
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
аъзоси.





БҮРИЖАРЛИК

«РОБИНЗОН»ЛАР

Робинзон Крузо ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак. Инсоннинг метин иродаси ҳақидаги бу саргузашт асар неча асрлардан буён ўқувчиларни ўзига мафтун этиб келмоқда.

Бизнинг мухтасар ҳикоямиз сабабчиси бўлган ёш келин-куёвлар ҳам, қайси бир жиҳати билан ўша машҳур қаҳрамонга озгина ўхшаб кетади. Фақат воқеалар аллақайси уммондаги кимсасиз оролда эмас, ўзимизнинг Боғтепанинг Бўрижарида шу кунларда содир бўлди.

Қишлоқда Абдирахмон тракторчини ҳамма танийди. Оиласи ҳам каттагина. Икки қизини турмушга узатди. Қолган уч ўғли ҳали бўйдоқ. Тўнғичи Анвар шаҳарда дўхтирликка ўқийди, Собир харибийда хизмат қилмоқда. Кенжаси Шавкатжон эса уйда бекорчи, томорқага, мол-ҳолга қараб юради.

Барча кўргилик ўша, Ойсанам дўкончининг қизи Сарвиноз туфайли бошланди. Қиз қурғур йигитчанинг у ёнидан ўтди, бу ёнидан ўтди, қошини керди, лабини бурди, бир балолар қилиб ўзининг асирига айлантириб қўйди.

Велосипедда сизирларига ўт олиб келаётган Шавкатни йўлда учратган қиз деди:

– Белингизда белбоғингиз бўлса, шанбага қолдирмай совчи юборинг, онам билан гаплашдим, уч кун «срок» қўйди. Йўқса, Сарвинозингиз ўзгага кетади. Оғзингизни очиб қолаверасиз...

Қизнинг сўзлари Шавкатни довдираб қўйди.

– Тўғри айтаяпти, унга кўз тиканлар кўп, ана Салим солиқчининг ўғли Хидир доим орқасидан эргашиб юради. Отамга айтсам: “Хотинсирамай ўл”, дейиши турган гап. Ахир, мендан аввал иккита акам бор. Яна эл-улус нима дейди, қолаверса ортиқча мол-ҳолимиз ҳам йўқ.

Тоғамга айтаман! Ўтган йили галла ўримида кўмаклашганда, тоғаси: “Сени ўзим уйлантираман!”, деганди.

Шавкат шу хаёллар билан тоғаси Содиқ фермерни кўриб борди. Хайрият, тоғаси уйда экан. Жиян уятни ҳам унутиб, йиғламоқдан бери бўлиб, бошига тушган ишқ савдосини сўзлаб берди.

Жиянининг сўзларини тинглаб бўлган тоғаси бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди ва йигитчанинг елкасига қокди:

– Маладес, йигит дегани шундай бўлиши керак. Дунёда ҳамма нарсани топса бўлади, лекин йўқотилган муҳаббатни топиб бўлмайди. Мен буни биламан, бошимдан ўтган...

Қўрқма, жиян, қўрқма, ёнингда тоғанг бор! Бир кунда ҳал қиламан, ўзим совчи бўлиб бораман. Фақат ота-онангга ҳозирча ҳеч нарса демай тур, ўзим гаплашаман.

Энди, жиян, сен яхшилаб дуо қил, билсанг, янганг яқинда қўзилайди. Илоҳим ўғил бўлсин, ўшанда Содиқбой бир тўй берсин...

Шавкат тоғасига меҳр билан қаради, шундай мард, танги тоғаси борлигидан фахрланди, тоғасининг тўртта қизи бор, ишқилиб шуниси ўғил бўлсин-да...

Содиқ фермер кечкурун поччасиникига келиб, бир пиёла чой устида барчасини айтди.

Эр-хотин эътироз билдирмоқчи бўлди. Бироқ Содиқ фермер оғиз очишига қўймади.

– Савоб иш қилмоқчиман, индамай турунлар, ахир тоғаман, шундайми?

Мезбонлар ноилож жим қолишди.

Содиқ фермер ўша куни Ойсанам дўкончиникига бориб ҳамма ишни ҳал қилиб келди ва қайтишда яна поччасиникига кирди.

– Ҳаммаси ҳал бўлди, келин қутлуг бўлсин, почча, опа, тўй кузда бўлади, унгача аёлим ҳам туғади, ўғил бўлса қўшша тўй қиламан, қўрқманг, барча харажат мендан, фақат аразламай борсаларинг бўлгани, – деди ва машинасини миниб жўнаб кетди.

Ниҳоят, Содиқ фермернинг куни туғди. Хотини қўчқордек ўғил туғиб берди. Фермер чақалоқнинг чилласи чиққач, гуриллатиб тўйни бошлаб юборди. Пойтахтдан хоразмча ашула айтадиган ҳофизни олиб келди. Бир сўз билан айтсак, тўй Боғтепада битта бўлди.



Орадан икки ой ўтиб, қишнинг охирида Содиқ фермер жияни Шавкатни чакириб деди:

– Хўш, жиян, энди кўнғил жойига тушдими, бўлмаса бир вазифа бор, тушдан кейин кўч-кўронни ортиб Бўрижарга кўчасизлар, ўша жойда бошпана бор. Галлага қарайсизлар, хуллас, алоҳида яшайсизлар.

Шавкат ўйланиб қолди. Бўрижар дегани овлоқ, гадои топмас жой бўлса, бунга Сарвиноз нима дейди? Ёки отасиникига борсинми? Йўқ, одамлар ҳолинг шу эканку, – деб қулишмайдими? Майли, Бўрижарга боради, билагида кучи бор, қолаверса тоғаси ҳам қараб турмас...

Тушдан сўнг Шавкатбой кўчди. Бўрижардаги бошпана аслида хашарчилар учун қурилганди. Эр-хотин аввал хоналарни тартибга келтиришди, тандир-ўчоқни таъмирлашди. Кечкурун эр хотинига деди:

– Сен товук-курка очирасан, мен жарликка тарвуз-қовун экаман.

– Сув йўқ-ку, – деди келинчак.

– Лалми экаман...

Ўша йили баҳор серёгин келди, ўт-ўлан тиззага урди, бугдой мўл бўлди. Жарлик эса тарвуз-қовунга тўлиб кетди. Уларни Содиқ фермер харидор топиб келиб, яхшигина пуллаб берди. Келинчакнинг товук-куркаси ҳам Чимнинг бозорида қўлма-қўл бўлди. Жамғарилган пулга болали сизир, телевизор, иш ҳақига олган икки тонна

доннинг ярмига Расул чўпондан саккиз бош эчки харид қилишди. Шавкатбой эса жарликда уя қўйган қуён ва тулкиларга тузоқ қўйишни ўрганди. Уларнинг терисини эса Шодиёр терипуруш талашиб-тортишиб олиб кетди.

Хуллас, Шавкат ва Сарвиноз рўзгори учун елкама-елка туриб меҳнат қилди, тер тўкди. Шу орада тоғаси артезиан қудуқ қаздирди, шу баҳона уларнинг уйига электр токи уланди.

Бугун ёш оиланинг тўрт бош сизир-бузоғи, эллик бош эчки-улоғи, товук-куркаси, ўттизга яқин қуёни, юк ташийдиган эшак-араваси ва иккита ити бор. Кимдир яқинда Шавкатнинг бир арава мева-дарахт қўчатини олиб кетаётганини кўрибди. Ҳадемай, Бўрижарда боғ пайдо бўлса ажабмас...

Туман марказига машинада кетаётган Содиқ фермер тугунча кўтарган поччаси Абдирахмон тракторчи ва опаси Қумрини катта йўлда учратиб тўхтади.

– Қани, йўл бўлсин?

– Шавкатжоннинг қизи Лола неварамизнинг бугун туғилган куни, Бўрижарга бораяпмиз, – деди опаси Қумри жилмайиб.

– Эй, Робинзонларни кўриб дег, – деди кулиб Содиқ фермер.

Эр-хотин бу сўзга тушунмади.

Содиқ фермер жўнаб кетди.

– Уканг нима деди, Робинзонми, тавба, бу нима дегани бўлса, – деб ажабланиб қўйди Абдирахмон тракторчи.

**Ўролбой ҚОБИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси**



МЕТРОДАГИ БАЧКАНА «ҲАЗИЛ»ДАН

**Ягона ватан номи
остида тенгдошларимга
очик мактуб**

Мен ҳам интернет билан бирга улғайдим. Қўлимдан телефон тушмайди. Бир кунда ўнлаб “реелс” ва “сторис”лар кўраман. “Лайк” ва “обуначи” деган сўзлар мен учун ҳам фаол. Шунинг учун бугунги гапларимни баланд минбардан туриб эмас, сафингизда туриб, қоғозга тушираётганимни назарда тутинг.

Келинг, аввал кўнглимизга хуш ёқадиган ҳақиқатларни санайлик: сўнгги вақтларда дунё биз ҳақимизда гапира бошлади. Хусусан, жаҳон спорт майдонларидаги медаллар, АҚШ, Жанубий Корея, Британия ва Дубай бозорларига чиққан стартаплар, халқаро олимпиада ғолиблари, нуфузли университетлар грандларини ютаётган талабалар, ўз жонини фидо қилиб бўлса-да, кутқарув ва инсонийлик ишларига бош қўшаётган ҳамюртларимиз – буларнинг ҳаммаси ёқимли.

Уларнинг ортида юртдошларимизнинг, тенгдошларимизнинг меҳнатлари, фидойиликлари ётибди. Бугун чет элда ўқиётган, ишлаётган, бизнес қилаётган юз минглаб юртдошларимиз – аслида уларнинг ҳар бири юртимизнинг вакиллари, элчиларидир. Ҳар бир хориждаги юртдошимиз, хоҳлаймизми-йўқми, бутун бир халқнинг вакили бўлиб қолаверади.

Яқинда кўпчилигимиз кўрган бир воқеа ҳар қандай ёруғликнинг сояси борлигини яна бир бор эслатди: ёш блогер-юртдошимиз Россия пойтахтида, метро бекатларида сохта “пранк” – яъни “ҳазил” видеоларни суратга олгани учун жавобгарликка тортилди, унга нисбатан майда безорилик бўйича баённома расмийлаштирилди.

Бу ерда масала фақат бир инсоннинг хатоси билан чекланиб қолмади. Бу ҳолатдан ҳам кўпчилик фойдаланиб қолди: айбдорнинг шахсий ҳаракатини баҳоламади, балки унинг номини, хатосини миллати ва ватани билан боғлаб баҳолашди. Мамлакатимиз ва халқимиз ҳақидаги мавжуд нотўғри тасаввурлар шунчаки “семирди”.

Бу ҳар биримиз нафақат ўз хатти-ҳаракатларимиз учун, балки уларнинг юртимиз ҳақида қандай тасаввур уйғотиши учун ҳам масъул эканимизни унутмаслигимиз керак. Ватан шаънини юксалтириш ҳар доим ҳам катта минбарлардан, катта сахналардан, катта ареналардан бошл анмайди. У ҳар биримизнинг кундалик муомаламиз, маданиятимиз ва масъулиятли муносабатимиздан бошланади.

Афсуски, блогернинг хатоси – ягона кўнгилсизлик эмас. Чет элда жанжал кўтариб, жамоат тартибини



бузиб, бировга озор бериб, “контент” ясашга уринаётганлар озмунча хэмас. Кимдир учун арзимас “ҳазил”дек туюлган хатти-ҳаракат четдан қараган одамнинг тасаввурларида “ўзбеклар, ўзбекистонликлар мана шунақа экан” деган қарашни шакллантиради. Сиз, мен, ўша видеони суратга олмаган бўлсак ҳам, бир Ватан, бир халқ номи остида шаънимиз билан жавоб берамиз.

**Илдизнинг саёзлиги
унинг яшовчанлигини
белгиламайди**

Ҳар қандай муаммонинг илдизи бўлади. Чуқур илдизни биргина уриниш ҳам қуритиши мумкин. Аммо енгил шабадада ҳам урчиб илдизлар борки, уларнинг бошини чопсанг, думидан авж олаверади. Биз “тез эришишни хоҳлайдиган” сабрсиз авлодмиз. “Тез” машҳур бўлиш, “тез” пул топиш, “тез” эътибор қозониш... Маънога эмас, шаклга “учадиган” авлод учун меҳнат ва сабр сўзлари бегона, зерикарли туюлади. Айниқса, кўришлар ва обуначилар сони ҳаётининг олий мақсадига айланиб улгурган баъзи “вайнер”ларимиз мақсадлари йўлида ахлоқ-одобни ҳам, ор-номусни ҳам, бурч ва масъулиятни ҳам бир четга суриб қўйишгани чопиб ташланса-да, удалаб бўлмайдиган илдизга ўхшайди. “Қаҳрамон” бўлиш ҳам осон. Кўз очиб-юмгунча “тренддасиз”. Аммо аудиторияни унутманг. Сиз истаганча обуначи йиғайтган вақтингизда, обуначаларингиз ҳам сиздан истаганларича фойдаланишади. Қора пиар дрон орқали олинган одам суратига ўхшайди. Бир нуқта каби сурат ва чексиз муҳокамалар...

Аммо қонун-қоидадан ташқари менталитет деган тушунча ҳам борки, кеча қайсидир контентингизга

“лайк” босган обуначингиз бугун бошқа контентингизда ахлоқ-одоб, этика-эстетика меъёрлари бузилганлиги учун “дислайк” босади. Сиз уни блоклайсиз. Аммо муаммо блокланмайди. Яна бир “саводсиз”ни маҳв этаверасиз. Миллийлигимиз, қадриятларимиз, шаънимиз топталаётганлиги ҳақида комментлар сони ортиб борапти. Ҳа, кўраямизки, ҳар нарсанинг ўлчови, меъёри борлигини аллақачон англаб етдик.

“Контент” доирасидан чиқиб кетган ҳазил, меъёрсизлик, бачкана машҳурлик иштиёқи, нафақат контент соҳибига, биз – барчамиз мансуб бўлган жамиятга зарар келтираётганини тушуниб етдикки, айрим ахлоқсиз “чиқишлар”га ҳуқуқий чора кўрилишини ҳам ўзимиз талаб қила бошладик. Албатта-да! Ўз аксимизни ойнада кўришга чидолмай қолдик! Эркинлик – бу менга ҳеч ким тегинмайди, дегани эмаслигини англадик. Чет элга чиққан одам ўша юртнинг қонунига, урф-одатига, жамоат тартибига риоя қилишга мажбурлигини ҳис этаяпти. Бу аслида – нафақат ҳуқуқий, балки оддий инсоний бурч. Контент доирасида чегара билмас ижод қонундан ҳимоя қилолмайди ахир. Аксинча, бегона юртда ҳимоясиз ва нотаниш бўласиз.

Ва энг муҳими: жазо муаммонинг бир қисминигина ҳал қилади, холос, илдизини қуритмайди. Асл ечим – тарбия, онг ва маданиятда. “Сен қаерда бўлсанг ҳам, Ватанинг бир бўлагисан”, деган тушунчани ўзимизга сингдира олсак, арзон “шуҳрат”нинг ўрнини чинакам обрў эгаллайди.

**Энг тўғри жавоб –
ўзимиз**

Шуни унутмайлик: бугун ўзбек ёшларининг асосий қисми – юрт

номини ҳалол меҳнати ва билими билан баланд кўтараётган авлод. Спорт майдонларида байроғимизни ҳилпиратаётган, илм-фанда ва бизнесда дунёга танилаётган, чет элда ўқиб, билимини юртига олиб қайтаётган минглаб тенгдошимиз бор. Бизнинг ҳақиқий юзимиз – мана шу. Битта блогернинг метродаги бачкана “ҳазил”и ҳам, битта чемпионнинг педесталдаги ғурури ҳам – иккаласи “Ўзбекистон” деган ном остида қабул қилинади. Танлов эса ҳар биримизнинг қўлимизда. Юрт номи учун қайси тарафдан туриб қурашишимизда.

Интернет муҳитида бир неча дақиқали ҳазил, шов-шув ёки “суяксиз гап” тез тарқалади, аммо спортчи, олим, санъаткор ёки бошқа соҳадаги инсоннинг йиллар давомидаги меҳнати маҳсули на маъно ва на мазмунсиз контентлар соясида қолиб кетади. Катта натижалар ортида оғир машаққатли меҳнат, интизом, мағлубиятлардан олинган сабоқлар ва сабр ётишини нахотки англамаяпмиз?

Қолаверса, бир чемпионнинг ғалабаси фақат шахсий ютуқ эмас, балки у орқали мамлакат номи тарих саҳифаларига муҳрланиши мумкин. Унинг меҳнатини қадрлаш, ютуғини эътироф этиш жамиятнинг маданиятини, фуқаролик позициясини кўрсатади.

Жанг майдонидаги дастлабки мағлубиятни омма кечиради, аммо қайта-қайта ютқазилар уларнинг ҳафсаласини пир қилади. Болгернинг дастлабки контенлари бачкана бўлиши тажрибасизлигига йўйилиши ва кечирилиши мумкин, аммо бутун фаолиятини “хол қўйиш”билан ўтказишни бошқаларнинг меҳнатини камситиш ёки масҳара қилишга уриниш, деб тушуниш адолатли бўлади. “Тирикчилик” – ўзгаларнинг, айниқса Ватан номини булғаш ҳисобига бўлмаслиги керак.

Ҳар кимда юрт шаънини халқаро майдонларда кўтариш имконияти, салоҳияти бўлмаслиги мумкин, аммо юрти учун меҳнат қилганларнинг меҳнатини қадрлаш ҳар биримиз қўлимиздан келадиган ишдир.

Бугун сиздан фақат битта нарсани сўрайман: “плай” тугмасини босишдан олдин бир лаҳза ўйлаб кўринг – бу нарсани номимизни улғайладими ёки ерга уришга хизмат қиладими? Ватан шаънини битта “лайк”ка арзитмайлик, ўткинчи “шуҳрат”га алмаштирмайлик. Масъулиятни ҳис қилган авлоднинг эртанги кун кутади. Бу – бизнинг, яъни 26 ёшли – менинг ва сизнинг бурчимиз.

**Ўткирбек ИСМАИЛОВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази ходими**



ЖАМИЯТ

2026 йил 18 июнь № 20 (990)

Ватан ичра ватан



МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим
ўзгариши миллий
қўмитаси

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкилотлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ МАҲАЛЛАЛАР ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА КАСБ ЭТМОҚДА

Сўнгги йилларда Қарши шаҳрида аҳоли яшаш шароитини яхшилаш, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай маҳаллалардан бири – Чўлқувар маҳалласи бўлиб, бу ерда кўп қаватли уй-жойларни замонавий кўринишга келтириш ишлари изчил давом этмоқда.

Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари доирасида уйларнинг ташқи фасадлари таъмирланиб, янгича рангларда безатилди. Бинолар деворлари миллий қадриятларимиз, юртимиз тарихи ва эзгу ғояларни акс эттирувчи тасвирлар билан безатилиб, маҳалланинг эстетик қиёфаси янада бойитилди.

Шунингдек, пиёдалар йўлаклари тартибга келтирилиб, яшил ҳудудлар кенгайтирилди. Бу каби ўзгаришлар нафақат маҳалла кўринишини янада чиройли қилаётгани, балки аҳоли учун қулай ва фойдали муҳит яратишга ҳам хизмат қилмоқда.


– Чўлқувар маҳалласида амалга оширилаётган ишлар шаҳримизнинг барча ҳудудларида олиб борилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик дастурларининг бир қисми ҳисобланади. Асосий мақсадимиз – аҳоли учун замонавий ва қулай яшаш муҳитини яратиш, – дейди Қарши шаҳар ҳокими Номўмин Холбоев.

Маҳаллада тунги ёритиш тизимини янгилаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўчаларга замонавий, энергия тежамкор куёш панелли ёритиш чироқлари ўрнатилиб, мавжуд устунлар таъмирланмоқда ва янгидан бўялмоқда.

Бу ишлар нафақат Чўлқувар маҳалласи, балки Қарши шаҳрининг бошқа маҳаллаларида ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Натижада маҳаллалар инфратузилмаси яхшиланиб, тунги вақтда кўчаларнинг ёруғлиги таъминланмоқда ҳамда ҳудудларнинг эстетик кўриниши янада гўзал ва жозибадор тус олмоқда.

Бугун Қарши шаҳри маҳаллаларида олиб борилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари шаҳар қиёфасини янгилаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва келажақ авлод учун янада обод ва кўркем муҳит яратишга хизмат қилмоқда.

Шавкат КАРОМОВ



Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Қамолитдин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-610
Адади: 2505
Пайшанба кунини чиқади.
Қўғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722


Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6





Йигирма биринчи аср – технологиялар асри. Бу технологиялардан энг кўзга кўрингани ва ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгургани – смартфонлардир. Ҳозирги кунда кунимизни телефонсиз тасаввур қила олмаймиз. Бироқ статистикага қарасак, бу шунчаки фойдаланиш эмас, балки телефонга қарамлик эканини аниқ кўриш мумкин. Бу ҳолат ёшларнинг келажагига салбий таъсир кўрсатмоқда. Менимча, телефон оддий алоқа воситаси эмас, балки аста-секин одамларнинг кундалик ҳаётини бошқараётган кучли омилга айланиб бормоқда.

РАҚАМЛИ ҚАРАМЛИК ГИРДОБИДАГИ БАШШАР



Масалан, дунё олимлари тадқиқотларига кўра, дунёда интернет фойдаланувчилари кунига ўртача 6–7 соатини онлайн ўтказишади. Ёшлар эса, яъни 16–24 ёш оралиғидагилар кунининг катта қисмини, аниқроғи ўртача 7–9 соатини телефонда ўтказишади. Шу сабабли дунё бўйлаб ўсмирларнинг 80 фоизи тавсия этилган жисмоний фаоллик даражасига етмаяпти.

Интернетда заҳарланиш одам онгининг ижтимоий тармоқлар, янгиликлар, турли контентлар ва ўйинлар билан тўлиб кетиши натижасида реал ҳаётдаги эътибор, рухий ҳолат, ҳиссиёт ва ижтимоий муносабатларнинг издан чиқишидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйлаб ҳар уч одамдан бири рақамли қарамлик белгилари билан яшайди. Менинг фикримча, бу муаммо шунчаки технология билан боғлиқ эмас, балки одамларнинг ўз вақтини тўғри бошқара олмаслиги билан ҳам боғлиқ.

Ўзбекистонда ўтказилган айрим сўровномаларда ёшларнинг 70 фоизи бир кунда 4 соатдан кўпроқ вақтини телефон ёки интернетда ўтказиши аниқланган. Бунинг салбий оқибатлари ҳам кўп: депрессия, ёлғизлик, ўзига паст баҳо бериш, ижтимоий ажралиш, кўзнинг чарчаши, уйку бузилиши, ҳа-

ракатсизлик ва ортиқча вазн, оила ва дўстлар билан мулоқотнинг камайиши, ўқиш ва иш фаолиятининг пасайиши. Масалан, менинг Диёр деган ўртоғим телефон қарамлиги зарарли эканини тушунди ва ундан кутулиш керак деган хулосага келди. Шундан сўнг у ҳаракат қила бошлади: турли спорт тўғарақларига қатнашади, оиласи ва дўстлари билан фаол мулоқот қилади, китоб ўқийди ва дарсларга кўпроқ эътибор беради. Ҳозир у анча ўзгарди, биз билан фаол ва самимий мулоқот қилмоқда. Олдинлари дарсларда ухлаб ўтирарди ёки доим телефон ўйнарди, кунини кайфияти ўтказарди. Менимча, бунинг сабаби ёлғон ҳаёт билан яшашдир, чунки ижтимоий тармоқларда ҳеч ким асл ҳаётни кўрсатмайди. Ҳозир Диёр реал ҳаёт билан яшашни бошлади ва унда сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Телефонга қарамлиги бўлган ёшлар кўпинча ўзини бошқалар билан солиштиради. Бу эса ўзига бўлган ишончсизликни оширмоқда. ЮНИСЕФ маълумотларига қарасак, айнаи дамда ўсмирларнинг қарийб учдан бир қисмида ўзига бўлган ишонч пасайган. Менимча, ижтимоий тармоқларда одамлар кўпинча ҳаётининг фақат яхши томонларини кўрсатгани учун ёшлар ўзини уларга солиштириб, ўзини

нуқсонли ҳис қила бошлайди.

Телефонга қарамлик нафақат жисмоний, балки ақлий ҳолатга ҳам таъсир қилмоқда. Ўсмирлар ўртасида ўтказилган сўровномаларда 40 фоизга яқин респондентлар бир неча соат телефонсиз юриш уларни безовта қилишини айтган. Айниса, ўсмирларда диққат ва ўқиш қобилиятининг пасайиши кўп кузатилмоқда. Яна бир тадқиқот шуни кўрсатадики, дарс пайтида ҳатто ишлатилмаган тақдирда ҳам талабанин ёнида телефон туриши унинг диққатини 20 фоизгача пасайтиради. Ҳар 5–6 дақиқада телефонга қараш эса миянинг фикрлаш жараёнига салбий таъсир қилади. Кўп вақтини экран олдида ўтказадиган ёшларнинг матнни тушуниш ва ўқиш тезлиги ҳам пасайиши кузатилган. Менинг фикримча, телефон доимо ёнимизда бўлиши миямизни асосий мавзудан чалғитади ва бир ишга узок вақт диққат қаратиш қобилиятимизни ривожлантиришга тўсқинлик қилади.

Ёшлар куннинг ўртача етти соат қисмини виртуал оламда ўтказиши ҳафтанин икки кунига тенг вақт дегани. Шу ўринда савол туғилади: биз ёшлар олдимизга қўйган мақсадларимиз учун ҳам шунча вақт ажратаймизми?

Баъзида беш дақиқага деб ижтимоий тармоқларга кирсак, қандай қилиб икки соат ўтиб кетганини сезмай қоламиз. Интернет шундай ишлайди: у сизнинг қизиқишларингизга қараб контент беради. Мия эса буларни кўргач ўзидан допамин ишлаб чиқаради. Допамин

– бу хоҳиш гормони. Уни мия ёш ўзингизга ёқадиган машғулоти билан шуғулланганингизда ишлаб чиқаради. Бироқ арзон допамин келажагингизга зарар етказиши мумкин. Агар допамин осон йўл билан, яъни телефон ва турли ўйинлар орқали олинса, мия бунга ўрганиб қолади ва қарамлик пайдо бўлади. Менимча, айнан шу сабабли кўпчилик ижтимоий тармоқлардан тез чиқиб кета олмайди, чунки мия тез ва осон завқ олишга ўрганиб қолади.

Ижтимоий тармоқлардаги арзон завқ сабаб ҳақиқий ҳаётимиздаги чинакам қувонч ҳиссидан ажраб қолмаяпмизми? Менимча, биз ёшлар телефонга қарамликни оддий ҳол деб билишдан воз кечиб, бунга жиддий қарашимиз ва қарши курашишимиз керак. Менинг фикримча, агар биз вақтимизни назорат қила олмасак, телефон бизни бошқаришни бошлайди. Ўз мақсадларимиз йўлида тинимсиз ҳаракат қилишимиз шарт. Ахир оиламиз, жамиятимиз ва ватанимиз келажаги биз эмасми?

Агар келажагимиз ёрқин бўлишини истасак, вақтимизни виртуал оламга эмас, ўз мақсадларимизга сарфлашимиз керак. Шунингдек, телефонга қарамликни камайтириш учун экран вақтини белгилаш, ҳар бир соатдан кейин қисқа тана ҳаракати қилиш, уйкудан олдин телефонни бошқа хонага қўйиш, ижтимоий тармоқларни мақсадли ишлатиш, дўстлар ва оила билан кўпроқ вақт ўтказиш ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланиш фойдалидир.

Нуржас ДАВЛЕТБАЕВ,
ЎзЖОКУ талабаси